O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
SHO'RCHI TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ШУРЧИНСКОГО РАЙОНА

2020 у «13» июнь № К-1111 «____»_____20___ г

"Туман маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг тасдиқланган харажатлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"

Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"нинг 145-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5938-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4602-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 228-сонли қарорига асосан ҳамда туман молия бўлимининг 2020 йил 04 июндаги 02-22-226/20-01/-33-260-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6,25 моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1.Туман Молия бўлимининг 2020 йил 04 июндаги №01-22-214/01-01-38/141-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4602-сонли қарорига асосан туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилганлиги муносабати билан жорий йилнинг 1 июнидан харажатлар режасига 1-иловага мувофиқ тегишли ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

3.Туман Молия бўлими (А.Қувондиқов)га 2020 йил бюджет ижросини сифатли амалга ошириш ва кредиторлик қарздорликка йўл қўймаслик мақсадида

туман маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет муассасаларининг 2020 йил харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари - Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Ж.Норқулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Б.Худойберганов**

ASLIGA TO`G`R
Imzo

DEVONXONA
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI SHO'RCHI TUMAN HOKIMI